



# ТОШКЕНТ ОҚШОМЛАРИ

**XXI аср** сароси  
Барча манбалардан  
олинган сўнги хабарлар

## Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Оқсаройда Туркия Буюк миллат мажлиси раиси Умар Изгини қабул қилди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Туркия Буюк миллат мажлиси раиси Умар Изги бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.
- 26 март кун Украина Президентининг рафиқаси Л. Н. Кучма раҳбарлигидаги Украина делегацияси Корей Республикасида кета туриб Тошкентда тўхтаб ўтди. Республикада кичик мудолат бўлиши чоғида Л. Н. Кучма Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Т. А. Каримова ҳамроҳлигида Теурийлар тарихи Давлат музейи ҳамда Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди. Шу куннинг ўзиде делегация Селуга учиб кетди.
- Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.
- Нукус туманида «Коракалпоқтомат» корхонаси фойдаланишга топширилди.
- Нурота туманида Аналар ва болалар йили муносабати билан турғуқ мажмуи ўзининг дастлабки мижозларига эшикларни очди.
- Ҳисоб-китоблар механизмининг такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.
- Андижон туманининг Найман қишлоғида тикувчилик цехи ишга тушди.
- Корхоналар банкротлиги ва санацялаш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.
- Шўртан газ-киме мажмуи ҳудудида Аналар ва болалар боғи барпо этилди.
- Гулистон шаҳрида виллоят соғломлаштириш маркази фойдаланишга топширилди.
- Республика Хотин-қизлар кўмитасида Ички ишлар вазирлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг пайини қирққиш, бу борада аҳоли ўртасида кенг тушунириш ишларини олиб бориш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Қорақўл туманида «Қорақўлтёк» Ўзбекистон-АҚШ кўша корхонаси иш бошлади.
- Бухоро вилоятида Самарқанддаги «Парвина» хусусий ёпиқ турдаги акционерлик-тижорат банкининг Бухоро филиали очилди.
- Биринчи Тошкент Давлат тиббий институти профессорлари Саримбек Нарвўзов жарроҳларнинг Умумжаҳон уюшмаси қароғи мувофиқ дунёнинг энг яхши жарроҳи деб тан олинди.
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти «Бугунги кун дунёсида чет тиллар: ўқитиш методикаси эволюцияси» деб номланган янги монографияни чоп этди.



## Жаҳонда

- **Эртага** Германия канцлери Г. Шредер ташриф билан АҚШга боради.
- **Кеча** Украина ташқи ишлар вазири А. Зленко Вашингтонга келди. Бу ерда у АҚШ Давлат котиби К. Паулл билан учрашди.
- **Кеча** Арманистон мудофаа вазири С. Саркисан ташриф билан Грецияга келди. Унинг Греция ташқи ишлар вазири А. Дзоханулополс билан Афинада олиб борган музокараларнинг бош мавзуси Греция билан Арманистон ўртасидаги харбий ҳамкорликни амалга ошириш ва унинг истиқболлари масалалари хусусида бўлди.
- Македонияга ташриф билан келган НАТО Бош котиби Ж. Робертсон мамлакат раҳбариятига албан айирмачилари билан можарони сиёсий йўллар билан ҳал этиш имкониятларини қидириш даъвати билан муносабат қилди. Шунингдек у албан жангариларини қуролларини ташлашга қачирди.
- **Бугун** «Люфтганза» неғис авиакомпаниясининг учувчилари оғолантириш тарзидаги иш ташлашини бошлаш режасидадир. Улар иш ҳақини 30 фоизга оширишни талаб қилмоқдалар.
- Жанубий Корей Президентини Ким Дэ Жунг ҳукуматда ўзгаришлар қилиб, вазирларнинг қарийб ярмини ишдан бўшатди.
- Жаҳон чемпионати — 2002нинг Тошкентда ўтандиган саралаш мусобақаларида муваффақиятли қатнашиш мақсадида Германияда ўқув машғулот тайёргарлигини кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси дастлабки икки учрашувда имкониятини бой бергач, учинчи учрашувда 6:0 ҳисобида галабага эришти. **Бугун** Ўзбекистон миллий терма жамоаси сўнги учрашувни «Байер» жамоаси билан ўтказди.

## ЁДНОМА

## Хониши — мухлислар қалбида

Санъат бўстонида гуллари кўп, булбуллари кўп. Булар орасида ўзбек миллий театри ва кўшиқчилари санъатининг йирик намоишдаси, Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова ўзига хос ширали овоз, ўзгача сехру тароватга эга нафис санъаткор эди.

**БУГУН**

Муқимий номдаги ўзбек Давлат мусиқий театрида «Санъат бўстонида булбулғўси» деб номланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Наманган вилояти ҳокимлиги, театр ижодкорлари уюшмаси, «Артемьяда» махсус жамғармаси, Наманган вилоят маданият ишлари бошқармаси, Алишер Навоий номдаги виллоят мусиқали драма театри томони-

дан ташкил қилинган ўшбу хотира кечасига санъаткорнинг яқин дўстларию сеvimли мухлислари, ёру биродарлари ташриф буюрдилар.

Кечада «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидеги театр жамоалари ижодкорлари, таъқиқли шоир ва ёзувчилар сўзга чиқиб, Ҳабиба Охунова ҳақидаги ёрқин хотиралардан сўзлайдилар. Шунингдек, Наманган вилоят маданият ишлари бошқармасининг бадийи жамоалари, Ўзгелерадиокомпанияси қошидаги Юнус Ражабий номдаги макомчилар ансамбли, Ўзбекистон халқ артистлари Камолитдин Раҳимов, Замира Суенова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти Мавлуда Асалжўяева, Насиба Сатторова ва бошқалар ўзларининг ажойиб дилтортар кўшиқлари билан қатнашдилар.

Гулором ХАМИДОВА

## ПОЙТАХТНИНГ бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

- **КИЧИК** ва ўрта бизнесни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти ҳамда истиқлолимиз барқарорлигининг муҳим омилларидан биридир. Яқинда ана шу мақсадда пойтахтимизда «Турон атласи» кичик корхонаси иш бошлади.
- **ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ** соҳасининг илгор ютуқларини кўлга киритаётган «Coskom» компаниясининг фаолияти ҳақида кенг ахборот бериш мақсадида мазкур компания ташаббуси билан пойтахтимизда «Coskom» — уяли алоқа тармоғи» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар «Фидойилар клуби», «Икбол» ёшлар маркази ва Конрад Аденауэр халқаро жамғармаси ҳамкорлигида ўтган семинар ёшлар тарбияси масаласига бағишланди.
- **КАМОЛИДДИН** Бехзод номидаги Амалий рассомлик дизайни коллежиде уйғониш фасли бўлмиш баҳор манзаралари тасвирланган суратлар кўргазмаси бўлиб ўтди.
- **ЮНУСОБОД** туманидаги 35-оилавий поликлиникада «Ҳамшира» танлови ўтказилди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясида «Ўзбекистоннинг XXI асрдаги энергетикаси» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.
- **КОРХОНАЛАР** ўртасида туртилган шартномаларнинг аниқ ва пухта бўлиши улар ижросининг бекаму кўст амалга ошишида муҳим аҳамият касб этади. Республика Адлия вазирлигида ўтган семинар ана шу масалага бағишланди.
- **ШАЙХОҲТОХУР** туманидаги 10-мактабда Аналар ва болалар йилига бағишлаб ўтказилган тадбирда ўқувчилар томонидан ижро этилган она Ватани, истиқлолни, муҳаббатни, табиатни тараннум этувчи шеърлар, кўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.
- **«ЖАР»** спорт мажмуига йиғилган ёш қаратқичлар сариқ белбоғ учун ўтказилган қаратқ мусобақаларида иштирок этишди.

## «Паблик рилейшнз» — демократия воситаси

### КЕЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида вазирликлар, идоралар, компания ва корпорациялар матбуот хизматлари фаолияти самарадорлигини жаҳон андозалари даражасига кўтариш масалаларига бағишланган семинар-тренинг иш бошлади.

Семинар Ўзбекистон Президентининг матбуот хизмати ва АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда йирик давлат ташкилотларининг матбуот марказлари ва ахборот бўлимлари раҳбарлари иштирок этмоқда. Семинарда таниқли давлат ва жамоатчилик арбоблари, «Паблик рилейшнз» соҳаси олимлари ва амалиётчилари маъруза қилди. Семинарни Гарвард университетининг Жон Кеннеди номидаги давлат бошқаруви институти ижрочи директор, АҚШ давлат департаментиде матбуот билан ишлаш масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасини бажарувчи Маргарет Салливан бошқармоқда.

Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Алишер Азизжўяев семинарни очар экан, демократик жамиятнинг асосий белгиларидан бири ошқоралик эканлигини қайд этди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бошланган демократик тамойилларга асосланувчи ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг роли сезиларли даражада ошди. Мамлакатда уларнинг ҳуқуқлари ва жамият олдидеги мажбуриятларини мувофиқлаштирувчи зарур қонунчилик базаси яратилди. Ҳозирги пайтда оммавий ахборот воситалари билан ҳукумат тузилмалари ва давлат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларда уларнинг матбуот хизматлари боғловчи бўгин ролини бажармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Рустам Жумаев вазирликлар, идоралар, йирик молиявий-иқтисодий тузилмалар, матбуот хизматларининг асосий вазифаси мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини ислохотлар жараёнидан хабардор қилишдан иборат эканлигини таъкидлади. Шу сабабли улар фаолиятини, жумладан, илгор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Кейинги пайтда Интернет тармоғидан фойдаланиш натижаси ахборот узатиш кўлами жуда кенгайди.

Кўпгина вазирлик ва идоралар Интернетда ўз сайтларини очди ва улар сифатини мунтазам равишда яхшилаб бормоқда. Бироқ матбуот хизматлари фаолиятида айрим муаммолар ҳам мавжуд. Уларнинг ҳал этилиши жамиятнинг содир бўлаётган ўзгаришлардан хабардорлигини оширишдан ташқари республикадаги ислохотларни жадаллаштирувчи муҳим омилига айланишини хорижий давлатлар тажрибаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Семинар иштирокчиларини АҚШнинг Ўзбекистондаги Факултета ва Мухтор элчиси Жон Эдвард Ҳёрбет қутлади.

Семинар тингловчилари Маргарет Салливаннинг «Матбуот котиби вазифаси. Унинг муваффақиятли гарови юксак ахлоқ ва касб маҳоратидадир» мавзусидаги маърузасини тингладилар. У иштирокчиларини АҚШ оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириб, матбуот хизматлари ҳукумат тузилмалари фаолияти тўғрисида ҳаққоний ва аниқ маълумот берувчи манба ҳисобланишини қайд этди. Матбуот хизматлари ўзларининг бевосита вазифаларини бажаришдан ташқари ўз ташкилотларига узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқишда кўмаклашадиган, жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилди.

Турт кун давом этадиган семинарда АҚШ давлат муассасалари матбуот хизматлари фаолиятининг турли жиҳатлари кўриб чиқилди. Иштирокчилар бу соҳадаги илгор иш услублари билан танишди. Шунингдек, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида демократик жамият қуриш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, маънавий-маърифий фаолият муаммоларининг ёриштириш каби муҳим мавзулар муҳокама этилди. Шу билан бирга республикадаги вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари матбуот хизматларининг ахборот-таҳлил фаолиятида техник воситаларни янада кенг қўллаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

А. ИВАНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## Муваффақият сари қадам

### ИҚТИСОДИЁТ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатиб, ўз маҳсулотлари билан харидорлар эътиборини қозонган «Малика» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бундан бир неча йил аввалги мавқеини тиклаш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Яратилган маҳсулотнинг замонавийлиги, сифати, бичими, иқлим шароитига, болалар соғлиғига мослиғига алоҳида эътибор қаратилган муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

Корхонада 1994 йилдан мўлқ шакли ўзгариб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Албатта, дастлабки йилларда анчагина қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Бу ерда хизмат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ҳам энг фидойилари, корхона истиқболни учун қайғураётганлари қолди, десак ҳеч муболага бўлмайдиган. Кейинги икки йил ичида эса муаммолар бирмунча ечимини топди, албатта бунга фақат тадбиркорлик ва меҳнат қилиш билангина муваффақ бўлинмоқда. Шунингдек, ўзаро ҳамжихатлик ҳам самарасини кўрсатмоқда.

— Корхонамизда айни кунларда 600 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилди, — дейди бош муҳандис Ботир Отабоев. — Уларнинг 85 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг нозик дидлари ва фарзандларимизга меҳр-муҳаббатлари билан ишлаб чиқарилган турли кийим-кечакларимиз бугуннинг талаби асосида тикилмоқда. Утган йилни яхши якунладик. 408 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб 10 миллион сўм фойда кўрдик. Албатта, бу жуда катта кўрсаткич бўлмасда, ишчимизнинг яхши томонига қараб ривожлана бошлагандан даражидир. Узимизда тайёрланган сифатли ип-каваллар бизнинг маҳсулотларимиз учун асосий ҳам ашё бўлмоқда. Шу боис ҳам мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган «Супертекстиль», «Косонсой-текст», «Гурлен» кўшама корхоналари билан алоқаларимиз тора мустаҳкамланиб бормоқда.

Жамоада янги асрнинг биринчи йилида 4 миллион дона маҳсулот тайёрлаш, унинг хил ва турларини кўпайтириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Утган йилдан 1,5 баравар ортқ, жами 600 миллион сўмлик болалар, аёллар ва эркеклар ички ва устки кийим-кечаклари тайёрланади ҳамда давлат буюртмалари ҳам ўз вақтида бажарилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 60 фоизини болалар ички кийимлари, чақалоқлар учун гарнитур ва ишончалар ташкил этса, қолганини аёллар ва эркеклар учун мавсумий ички кийимлар, спорт кийимлари ҳам иборатдир. Утган йилда 10-15 турдаги янги маҳсулот турлари яратилиб, харидорларга тортиқ этилди.

Мақсадга эришиш учун, албатта, имконият топиш, унга яраша саъй-ҳаракат қилиш лозим. Ҳозирда корхонада ана шу буюртмаларни ўз вақтида адо этиш, Аналар ва болалар йилида аёлларимиз ва фарзандларимиз учун энг зарур, сифатли, чидамли, бунинг устига нархи ҳам қониқтирадиган маҳсулотлар яратишга ҳаракат қилинмоқда. Бунинг учун жамоада фаолият кўрсатаётган ижодий устанонанинг мохир либос яратувчи, бичиқчи ва тикувчилари бозорни, харидор талабини сидиқидилдан ўрганашмоқда. Натижда баҳор байрамларида аҳоли учун янги маҳсулот турлари яратилиб, савдо шохобчаларига чиқарилиди. Булар орасида «Косонсой-текст» кўшама корхонасининг жун матоларида тайёрланган устки трикотаж кийимлари ҳам бор.

Бугунги кунда корхонада 2 та тўқув, 2 та тикув ва 2 та буюш цехлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Албатта, ўшбу цехлардаги жиҳозлар хориждан келтирилган, лекин бугунги куннинг талабига тўла жавоб беради, деб айтиш қийин. Шу боис ҳам аста-секинлик билан ўшбу дастгоҳларни янги, замонавий линиялар билан алмаштириш кўзда тутилган. Бунинг учун хорижий шериклар билан музокаралар олиб боришмоқда. Айниқса, Хитой, Канада, Корей давлатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга саъй-ҳаракат қилинмоқда.

— Албатта, сифатли маҳсулот сифатли ҳам ашёдан, унга сифатли ишлов беришдан бошланади, — дейди Ботир Отабоев ўз сўзининг яку-



нида. — Тикиб чиқараётган маҳсулотнинг қўриғини ҳам жуда муҳим роль ўйнайди. Сифатли, айнимайдиған буюк масаласи ҳам бугунги кунда долзарбдир. Масалан, болалар учун тайёрлаётган кийим-кечакларимизни безашда ана шундай буюклар зарур. Ана шундай яхши буюклар ўзимизда тайёрлана нур устига нур бўларди. Бунинг учун мухтаassisларимиз киме институти кимеғар олимлари билан ҳамкорликда ишланмоқдалар. Шунингдек, ҳар бир маҳсулотни чиройли, бежирим ўраш ҳам жуда аҳамиятлидир. Лекин ҳаммасидан муҳими болалар учун яратилган маҳсулотларимиз уларнинг соғлиғи учун зарар қилмаслиғи, экологик тоза хом ашёдан тайёрланиши лозимлиғи доимий эътиборимиздадир. Энг биринчи олдимиғизга қўйган мақсадимиз эса илгариги кувватимизни, иш ўринларимизни тиклаб боришидир.

Рақобатбардор маҳсулот тайёрламай туриб муваффақиятга эришиб бўлмаслиғини корхона мутасаддилари билан яхши тушунадилар. Бунинг учун замонавий технология, уни мукамал биладиган кадрлар зарурлиғи ҳам диққат-эътиборда. Шу боис ҳам Италиядан кунига 400 килограмм мато берадиган тўқув дастгоҳи олиб келиб ўрнатил режалари бор. Бу йил 50 миң долларли энг сифатли маҳсулот чет элга экспорт қилинади. Режалар бисёр, уни амалда бажариш эса жуда катта масъулиятни, изланишни, имкониятлар йўлини топишни тақозо этади. «Малика»чиларнинг эса ниятлари астойдил. Демак, бу йил муваффақият сари ана бир қадам ташланади.

**Шарифа ИЛЕСОВА**  
СУРАТЛАРДА: тикув цехида; уста Татьяна Карпова (ўртада) тикувчилар Шоҳида Холмухамедова ва Азиза Усмоноваларнинг ишларидан манун.

Сергей Любич олган суратлар.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

## Ҳамкорлик алоқалари

Айни Наврўз кунларида Миср Араб Республикасининг Хелвон университети профессор ва ўқитувчилари юртимизга ташриф буюрдилар.

Ушбу ташриф Камолитдин Бехзод номидаги Рассомлик ва дизайн Миллий институти ҳамда Қоҳира Хелвон университети орасидаги кўп йиллик ҳамкорлик натижасида амалга ошди. Мисрлик меҳмонлар шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиб, Бобур номли боғда сайр қилдилар. Камолитдин Бехзод номидаги Рассомлик ва дизайн миллий институти томонидан тузилган дастур доирасида меҳмонлар машур рассомлар, халқ усталари ижодхоналарига, Ўзбекистон Давлат Санъат музейига, Халқ амалий санъати музейига, Тошкент Ислоҳ университети, Қўшча хомеъ масжидига, «Чехия графикаси» кўргазмаси очилишига ҳамда Рассомлик ва дизайн миллий институтида Наврўзга бағишлаб ёзилган байрам дастурхонига ташриф буюришди. Шунингдек, мисрлик меҳмонлар тарихий обидаларимизни кўриб, бой тарихий меросимиз ва халқ амалий санъатимизнинг ёрқин намуналари билан яқиндан танишишга мўъсаб бўлдилар. Бундан ташқари, Хелвон университети профессор-ўқитувчилари маданият масканлари бўлмиш театрларимизда бўлиб, миллий спектаклларимизни томоша қилдилар. Кун ичида эса Ўзбекистон Бадийи академияси Марказий кўргазмалар залида «Миср замонавий санъати» кўргазмаси очилди. Кўргазмада Миср Араб Республикаси таниқли санъаткорлари — Хелвон университети профессорлари ижодидан намуналар намойиш этилди. Хелвон университети профессор, ўқитувчиларидан Мерфат Шарабас, Ами-

на Абид, Аҳмад Сулаймон, Аҳмад Абдурахмон, Муҳаммад Али ва бошқа қатор санъаткорларнинг керамик, миниатюра, рангтавир, графика асарлари намуналари экспозициядан жой олди.

**БУГУН**

мисрлик меҳмонлар шарафига Миср Араб Республикаси элчихонасида қабул маросими бўлиб ўтди.

Миср Маданият ва маърифат марказида эса шу куннинг ўзиде илмий конференция ва «Миср ёш рассомлар нигоҳида» деб номланган кўргазма бўлиб ўтди. Шундан сўнг Камолитдин Бехзод номидаги Рассомлик ва дизайн миллий институти ҳамда Хелвон университети рассомлик педагогикаси факультети орасида келажакдаги ҳамкорлик ҳақида ҳужжатлар имзоланди.

**Феруза ИРЗАЕВА,**  
Камолитдин Бехзод номидаги Рассомлик ва дизайн Миллий институтининг талабаси.

«Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, айниса тўғридан-тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман, жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида айтган ушбу сўзлари инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ масалаларнинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканлигини яна бир қарра исботлайди.

Муҳбиримиз Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестициялар бош бошқармасининг бошлиғи Одамбой Иброҳимов билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Одамбой Умарович, Инвестициялар бош бошқармаси ва унинг асосий фаолият йўналишлари тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Бундан бир неча йил аввал ташкил этилган бизнинг бошқармаимиз хорижий инвестициялардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни назорат қилиш, ташкилий ва мувофиқлаштирувчи фаолиятни амалга оширмакда.

Бизнинг мутахассисларимиз инвестиция таслифларини тайёрлаш ва муайян инвесторларни излаш, шаҳар инвестиция қиёфасини ишлаб чиқиш, ҳокимият ижрочи органлари ваколатлари доирасида инвесторларга солиқ ва бошқа турдаги имтиёзларнинг берилиши, корхоналарнинг қурилиши учун ер участкаларининг ажратирилиши, муҳандислик коммуникацияларининг тайёрлавиши ва ўтказилишига кўмаклашиш, бир сўз билан айтганда хорижий ҳамкорларни жалб этувчи барқарор инвестиция муҳитини ташкил этиш билан шуғулланишди.

Турли йўналишдаги иншоотларнинг қурилиши учун инвестицияларни жалб этиш, шунингдек қўшма корхоналарни ташкил этиш мақсадида томонларнинг улушли иштирокларидан фойдаланган ва кредитларни жалб этган ҳолда қурилиш тугалланмаган объектлардан фойдаланишни юмушлари ҳам вазифаларимиз доирасига қиради.

— Барқарор инвестиция муҳитини ташкил этиш истиқболдаги стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Уни амалга ошириш ишига Инвестициялар бош бошқармаси қандай ҳисса қўшмоқда?

— Хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш соҳаси ва биринчи навбатда катта экспорт салоҳиятга эга бўлган тармоқларга келиб тушишни рағбатлантиришга йўналтирилган хорижий ҳамкорлар учун молия-иқтисодий рағбатлар ва имтиёзлар тизимини барқарор инвестиция тизимини ташкил этишда муҳим омида ҳисобланади.

Бинобарин, инвестицияларни жалб этиш масалалари билан шуғулланувчи орган сифатида биз муайян инвесторлар билан бевосита алоқаларни ўрнатамиз, қўшма корхоналарнинг шакллантирилишида фаол иштирок этамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент ҳам Ўзбекистон, ҳам Ўрта Осиёнинг йирик иқтисодий, сийёсий, маданий ва амалий маркази бўлгани ҳолда хорижий инвесторлар учун албатта катта қизиқиш туғдиради. Бу ерда катта иқтисодий, технологик ва кадрлар салоҳияти мавжуд. Ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси энг юқори даражада фойдаланиш мақсадида шаҳар иқтисодиётига сармоялар киритилиши учун бой имкониятларни беради. Шу сабабдан Тошкент шаҳридаги устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун киритилаётган хорижий инвестицияларнинг ҳажми тобора ошиб бормоқда. Жорий йилнинг 1 январига келиб Тошкентда хорижий инвестицияларнинг ҳажми 2116 та корхона қайд этилган бўлиб, шундан 531 таси санаят соҳасида, 449 таси савдо ва умумий овқатланиш, 52 таси транспорт ва алоқа, 60 таси туризм ва 1074 таси аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналар томонидан 2000 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизматларнинг умумий ҳажми 176 миллиард сўмдан орттиқ миқдорни ташкил этди.

Жалб этилаётган хорижий инвестициялардан ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда қўшма корхоналарни ташкил этиш йўли билан самарали фойдаланилмоқда. Бу эса ўз навбатида замонавий

технологияларни талбиқ этиш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга омида бўлмоқда.

— Низом жамғармасига керакли улушни қўшган ҳолда Инвестициялар бош бошқармаси қўшма корхонанинг таъсисчиси бўлиши мумкинми?

— Албатта мумкин. 1996 йилдан бошлаб Тошкент шаҳрида Инвестициялар бош бошқармаси иштирокида 14 та қўшма корхона ташкил этилди. Йилга 750 миңг донга сув аралаштиргичларни ишлаб чиқариш қуввати-

нилар бош бошқармаси томонидан фаолият кўрсатиб турган «Хобас—ТАПО» корхонаси учун квартида қўшни қайта ишлаш бўйича қўшма корхона ташкил қилинди. «Тошкент — центри» қўшма корхонасидаги ҳисоблагичлар учун бутловчи қисмларни чиқариш бўйича ишлаб кетмоқда. Йил охиригача ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 80 фоизини маҳаллийлаштириш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, «Инвест—Таш» корхонасида мрамарга ишлов бериш ишлари йўлга қўйилган.

«Хозирги пайтда хорижийнинг ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотларни чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган қўшма корхоналарни ташкил этиш бўйича бир қатор лойиҳалар устида иш кетмоқда. Уларнинг ишга тушурилиши қўшимча 27900 иш ўринларини ташкил этишга имкон беради. Япониянинг «Сумитомо» компанияси билан ҳамкорликда амалга ошириладиган шундай лойиҳалардан бирига кўра Бектемир туманида 60 та корхонани жойлаштириш ҳолда 240 гектар майдонда «қуруқ порт» ва «саноат ҳудуди»ни қуриш кўзда тутилади. Бунда ягона мажмуада мураккаб электрон техникаси, автомобиллар деталларининг бутловчи қисмлари, тўқимачилик маҳсулотларини чиқариш йўлга қўйилади ва улар экспорт қилинади.

Сергели туманидаги қуёшдан муҳофаза қилувчи буюмлар заводи ҳудудида Германиянинг «ЛРС планинг» фирмаси билан ҳамкорликда ПВХдан 15-110 миллиметр ҳажмадаги қувур ва фитингларни чиқариш бўйича лойиҳа талбиқ этилмоқда. Ушбу корхона фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳар йили шаҳар коммунал хўжалиги эҳтиёжлари учун пўлат қувурлар харид қилиш учун сарфланадиган валютани бағишлайди. Бундан ташқари, йилга 400 миңг текстилитр маҳсулот чиқариш қувватига эга пиво заводини қуриш бўйича ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Бунинг учун технологик асбоб-анжомларни Германиянинг «АМС» компанияси етказиб беради. «Узолмонкум» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида кварцли кум, силикатли гишт ва базальтдан маъдани пахта-ни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Акмал Иқромов туманида тикувчилик маҳсулотларини чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этилмоқда. Бу ерда 800 дан орттиқ аёллар янги иш ўринларига эга бўлишди. Халқаро туризм инфратузилмаси ва бизнесни ривожлантириш мақсадида «Тошкент», «Дўстлик», «Россия» меҳмонхоналарини қайта қуриш ва келгусида улардан қўшма корхоналар доирасида фойдаланиш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Хозирда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан шаҳар саноатини ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилмоқда. Шу мақсадда ишчи гуруҳи олдига саноат объектларининг ҳолатини ўрганиш, қурилиши тугалланмаган иншоотларни аниқлаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва технологияларни янгилашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юмушлари турибди. Инвестицияларни излаш, муайян инвесторлар билан алоқалар ўрнатиш, мазкур дастур доирасида қўшма ишлаб чиқаришларни шакллантириш вазифалари эса Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Инвестициялар бош бошқармаси зиммасига юклатилган.

Дилмурод ИСМОИЛОВ ёзиб олди.

## Шериклар учун манфаатли лойиҳалар

га эга бўлган 2116 та корхона қайд этилган бўлиб, шундан 531 таси санаят соҳасида, 449 таси савдо ва умумий овқатланиш, 52 таси транспорт ва алоқа, 60 таси туризм ва 1074 таси аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

«Хозирги кунга келиб «Агрокремлик» қўшма корхонасида асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишлари тугалланди ва бу ерда йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб керамик плиталарни ишлаб чиқариш бошланди.

# МАНГУ БАРҲАЁТ ХОТИРА



Тошкентнинг Юнусобод туманида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг барпо этилганига яқинда бир йил тўлади. Шу муносабат билан биз мустақиллашчилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси ва «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси Раёсати раиси Наим КАРИМОВ билан суҳбатлашдик.

— Яна бир неча кунлардан кейин муҳташам «Шаҳидлар хотираси» зиёратгоҳининг Тошкент харитасида пайдо бўлганига бир йили тўлади. Истиклол туфайли майдонга келган бу гўзал бог, бу ажойиб зиёратгоҳ ҳақида одамлар билан га�ҳам. Бу манзилнинг халқимиз ўртасида тез шуҳрат топгани ва том маънодаги зиёратгоҳга айланганининг боиси нимада?

— Агар 2000 йилнинг 12 май кунини эсласангиз, ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими келган ҳар бир киши рамзий сағананинг олпоқ мрамарига, жилла бўлмаса, кўлининг учини теккизишга, унинг пойига гул қўйишга ҳаракат қилди. Айни пайтда бу кишиларнинг кўзларидан шодлик ва қайғу ёшлари-ю лабларидан тиловат сўзлари тўкилди. Демак, уларнинг кўллари шаҳид кетган ота-боболари ёҳуд бошқа бирор қариндош-уруғларининг ёд этилаётганини ўз кўзлари билан кўргандак бўлишди. Улар номларининг покланганга ишонч ҳосил қилишди. Бугун ҳам бу ерни зиёрат этаётган ватандошларимизнинг кўпчилигини ана шу туйғу ҳали тарк этмаган. Орадан бир йилча вақт ўтган бўлишига қарамай, ёдгорлик мажмуининг халқ маънавий ҳаётидан бу қадар мустаҳкам жой олганининг сабаби шундай.

— Агар 12 майни маълум маънода тарихий бир сана деб ҳисобласак, ана шу тарихий санага қадар сиз раҳбарлик қилган жамоатчилик комиссияси ва хайрия жамғармаси муайян ишларни амалга оширди: «Шаҳидлар хотираси» туркумидаги биринчи китоб нашр этилди, ўнлаб хотира кечалари, анжуманлар ўтказилди, радиоэшитириш ва телекўрсатувлар ташкил этилди...

— Саволингизни тушундим. Бир йил ичида биз буюқ Фитратнинг икки жилдик «Танланган асарлар»и, профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг «Ўзбекистонда советларни кулоқлаштириш сийёсати ва унинг фожалии оқибатлари», «Шаҳидлар хотираси» альбом-буқлети ва бошқа бир неча китоблар, тақвимларни нашр этдик. Бу йил 12 май кунига қадар «Шаҳидлар хотираси» туркумининг қатагон этил-

ган аёлларга бағишланган иккинчи китобини, Мустақилликнинг 10 йиллигига эса шу туркумининг «Истиклол фидойилари» деб аталган учинчи китобини чоп этамиз. Ўтган йили бизнинг иштирокимизда «Саид Ахрорий», «Шаҳидлар хотираси» фильмлари яратилган эди. Яқин кунларда «Истиклолнинг буюқ йўли» фильми экранга чиқади. Энг муҳими, биз турли ташкилотлар билан алоқа ўрнатиб олдик. Масалан, Бехоз номидаги тасвирий санъат институти ва Тошкент Давлат консерваторияси домлалари ва дипломантлари қатагон мавзуга бағишланган санъат асарларини яратмоқдалар. Худди шундай иждоий ишлар «Ўзбекино», «Ўзбектеатр» ва «Ўзбекнаво» уюшмалари билан ҳам ҳамкорликда олиб боришмоқда. Режарларимиз кўп, ниятларимиз хайри.

— Сўнгги пайтларда музей тўғрисида хайри гаплар бор. Қатагон даврлари тарихий музейи қачон барпо этилади?

— Сиз тилга олган зиёратгоҳ «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи деб аталади. Бу зиёратгоҳнинг том маънодаги мажмуага айланishi учун у ерда музей, Хотира китоби, бундан ташқари, анжуманлар зали, ёдном ва соғвалар дўкони барпо этилиши шубҳасиз. Булар ва бошқа лойиҳалар ўз вақтида, худо хоҳласа, амалга ошади. Аммо шу рудҳади зиёратгоҳнинг — 30 гектарлик богнинг бошқа бирор МДХ республикасида йўқлигини унутмасликимиз керак.

Модомики, музей тўғрисида сўз очдингиз, айтмай. Мустақиллашчилик даври қурбонларини хотира музейи учун озми кўпми экспозиция материалларини тўплаб бошладик. Аксар ватандошларимиз ноёб суратлар, ҳужжатлар, кўлёмзалар ва китобларни азиз хотира бўлгани учун ўзлариде сақлаб турибдилар. Хотира китоби эса... Мустақиллашчилик даврининг барча қурбонлари номларини аниқлаганимиздан кейингина барпо этилади.

Бу ерда шунинг таъкидлаш керакки, бизнинг кўлимизда хозирча оқланб бўлиган 17 миңг кишининггина исм-шарифлари бор, холос. Яна 3 миңгча «пахта иши» бўйича жабрланган кишилар оқланган. Бу иш билан Олий Суд шу-

гулланмоқда. Хали минглаб оқланмаган қурбонлар бор... Биз уларнинг ҳужжатлари билан танишиб бораемиз.

Ўтган йил ёдгорлик мажмуи очилганидан кейин, хурматли Президентимиз хайрия жамғармасига барҳаёт қурбонлар, уларнинг қариндош-уруғларидан хотираларини видео ва аудио тасмаларига ёзиб олишни топширган эдилар. Бу ишни қанчалик тез бошласак, шунчалик яхши. Бунинг учун техник жиҳозлашимиз муҳим аҳамиятга эга. Биз видеоаппаратура, диктофон ва магнитофонларни тезроқ сотиб олиб ишга киришамиз. Албатта, бу ишда хомийларимиз маддадига таянамиз.

Тўғри, биз шу кеча-кундузда Андижонда қатагон даври тарихини ўрганиш бўйича халқаро экспедицияни ташкил этмоқчимиз. Бу Андижондаги Халқаро Бобур экспедициясига ўхшаш мунтазам равишда ҳаракатдаги уюшма бўлади. У биринчи навбатда Фарғона водийсида яшаётган қатагон даври қурбонлари ва улар қариндош-уруғларининг хотираларини ёзиб олади, уларда сақланаётган ҳужжатлар, расмлар, буюмларни тўплаб, яратилажак музей ва «Қатагон қурбонлари» кўп жилдиги учун пойдевор хозирлайди.

Ёдгорлик мажмуи очилганига бир йил тўлиши муносабати билан ушбу санага бағишлаб бир неча тадбирлар ўтказиш белгиланган. Дастлаб, 31 март кунини биз «Шаҳидлар хотираси» зиёратгоҳида «Ватанпарвар» ташкилоти билан биргаликда ва Юнусобод тумани аҳолиси иштирокида хашар ўтказамиз. Ушбу тадбир Юнусобод тумани ҳокимлиги ва «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ташаббуси билан амалга-ошади. Апрель ойининг ўрталаридан бошлаб бутун республика бўйлаб Хотира ойлигини ўтказамиз. Бу йил табарруқ ёшга тўлаётган маданият ва жамоат арбобларига бағишланган туркум хотира кечаларини ташкил этамиз. Аввалги йилдагидан фарқи ўлароқ, бу йил бундай кечалар Тошкент билан бирга Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам ўтади. Шаҳар ҳокимликлари ёрдамида бир неча кўчаларга улар номи ёзилган лавҳалар ўрнатамиз.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат. Суҳбатдош Анавар МАХМУДОВ



Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги азалий дўстлик алоқалари ҳар икки халқ томонидан алоҳида эъзозланиб келади. Республикаимиз Мустақилликка эришган кўтлуг санадан буён мана 10 йилдирки қардошлик ришталари йил сайин мустаҳкамланиб ривож топиб келмоқда. Республика турк миллий маданият маркази раҳбари, «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамраиси, «Дўстлик» ордени нишондори Умар САЛМОН ана шу буюқ ўзгаришлар ҳақида хикоя қилади.



## Дўстлик ришталари абадий

— Мамлакатларимиз раҳбарларининг мунтазам ўзаро учрашув ва мулоқотлари, Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неҳдет Сезернинг ўтган йил кузигаги Ўзбекистонга расмий ташрифи ўзбек ва турк халқлари азалий дўстлигининг кенг ривож топишида муҳим рол ўйнамоқда. Мамлакат иқтисодий потенциалининг ривожланишида икки мамлакат тадбиркорлари ҳиссаси тобора ошиб бораётганидан мамнунимиз. Бугунги кунда Ўзбекистонда қардош турк ишбилармонлари иштирокида юзлаб корхона ишлаб турибди.

Самарқанддаги «Самкочавто» қўшма корхонасининг замонавий мўъжаз автобуслари республиканинг деярли барча вилоят ва шаҳарларида йўловчилар манзилини яқин қилаётгани билан фахрланмай бўладими! «Демир», «Косонсой-Текмен» каби корхоналар, шу йил сентябрда Чиноз шаҳрида ишга тушиши мўлжалланган Ўзбек-Туркия-Япония қўшма корхонаси «Бурсел холдинг» ёрдамида қуриляпти. Халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида иш юритаётган ҳамкорликда меҳнат жамоалари барқарор ривожланиш йўлидан бораёпти.

Ўзаро илмий, маданий алоқаларимиз тобора кенгроқ ривожланиётганини ҳам қувонч билан таъкидлаш мумкин. Ҳар икки мамлакат ўртасидаги кўп тармоқли ва серқирра дўстона алоқалар ривожига бизнинг Миллий маданият марказимиз ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаяпти. Зеро, мазкур маданият марказини том маънода Мустақиллик нисмати дейиш мумкин. У 1992 йили ташкил топди ва бутун фаолиятини азалий

қардошларча дўстлигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратиб келмоқда.

Шу муносабат билан саховатли ўзбек халқи уша маълум замонларда сургун қилинган туркларни очик қалб ва гоят хайрихоҳлик, ҳамдардлик билан кутиб олганини, уруш ва урушдан кейинги дастлабки оғир йилларда сўнгги бурда нонини ҳам биз билан баҳам кўрганини таъкидлашни истардим. Шунинг учун ҳам ўзбекистонлик турклар ҳаминша турк-ўзбек халқлари азалий дўстлигини ҳар томонлама ривожлантиришга астойдил ҳаракат қиладилар. 1997 йили миллий маданий марказимиз республика миқёсида иш юритиш мақомига эга бўлгани бу боралдаги имкониятларимизни янада кенгайтирди.

Хозирга вақтда марказимиз қошида Гулайдин Дўнмас, Севил ва Саломат Жавдат қизи раҳбарликларида «Севинч», «Анадули» ҳамда «Нилуфар» ансамбллари ишлаб

турибди. Ўзбекистон телевидениеси «Дўстлик» каналида «Шафоқ» дастуримиз мунтазам равишда намойиш этиб келинмоқда. Республика вилоятларида ўзбек ва бошқа халқлар санъаткорлари иштирокида турли концертлар, учрашув ва мулоқотлар ўтказиш яхши анъанана айланган.

Миллий маданият марказимиз фаолларининг диққат марказида турган масалалардан бири — бу ўзбек халқининг миллий урф-одатларимиз, санъатимиз, иждоий меросимиз билан кенг миқёсда таништириб боришдан иборат. Сўнгги беш-олти йил мобайнида «Халқ бирлиги» ҳаракати бошчилигида ҳамда «Олтин мерос» халқаро жамғарма билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ўтказилаётгани, бир қанча китоблар чоп этилгани бу боралдаги ишларимиз салмоғидан дарак бериб турибди.

Кунини кеча Туркия парламентининг янги раҳбари Умар Изгиннинг Ўзбекистонга расмий дўстона ташрифи турк ва ўзбек халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқаларининг янги юқори поғонага кўтарилишига хизмат қилади. Унинг айниқса, Республикаимиз Президенти Ислам Каримов томонидан қабул қилинганлиги, тарихий учрашувлар вақтида билдирилган қимматли фикр-мулоҳазалар халқларимизни янада яқинлаштиради, қардошлик туйғуларини янада камол топтиради. Биз эса ана шу дўстлик ва қардошлик алоқаларининг кун сайин мустаҳкамланишига ўз ҳиссамизни қўшаверамиз ва бунинг умуминсоний ҳамда ватанпарварлик бурчимиз деб биламиз.

**Ўз-Ўз ўрганиб доно бўлур...**

- Ёшлигингда шундай яшагинки, кексайиб чорасиз қолганигда бахтли бўл.
- Танинг соғ экан, ҳали кексаймаган экансан, куч-қудратинг бор экан, имкон борича ниманидир яратушга ҳаракат қил. Уингни ўт олгандан кейин қудук қазитганидан нима фойда.
- Яхши қариялар бор жойда яхши ёшлар етишиб чиқади, улар йўлчи юлдуздадек нур сочиб турадилар.
- Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.
- Темир қалъани ёшлар қилич ишлатиб йиқитсалар, қариялар фикр билан ағдардилар.
- ХИКОЯТ. Бир ҳақимдан сўрабдилар: — Сен учун энг улғу киши ким? — Отам, отамнинг отаси, энг катта бобом, у бобомнинг онаси энг улғу кишилар, улар ҳаёт дарсини ўқиган қариялардир.
- Байт: **Бўйин товлама кекса тадбирдан, Қарияларда бор тажриба, фикру фан.**
- Меҳнатни севиш, гайрат ва матонат билан иш-лашнинг учта ширин меваси бор. Биринчиси, тан саломатлиги, иккинчиси кўнгил роҳати, учинчиси ақл ва зехннинг ортишидир.
- Бахтиёр бўлишни истасангиз, ҳар бир ишини-гизни ўз вақтида бажаринг. Бугунги ишни эртага қолдирманг, фурсатни бой берманг.
- Меҳнатни севамаган одам ҳар бир бузуқликни қилишга тайёрдир. Меҳнат инсонга бахт-саодат келтиради. Ялқовлик, ишсизлик фалокат гирдобга таш-лайди.
- Меҳнатнинг — зийнати.
- ХИКОЯТ. Қадимги юнон донишмандларидан Афлотун ҳақим айтади: — Мен фидокорона қилинган роҳатни бошқа бирор нарсдан кўрмадим. Вужудининг саломатлиги, руҳининг саодатини фақат меҳнатдан топдим.
- Байт: **Меҳнат ила ҳал бўлади ҳар мушкул, Коми дил меҳнат ила бўлғай хосил.**
- Инсоннинг энг гўзал фазилати — унинг одоби-да. Хусн — хусн эмас, одоб хусн, у ҳеч қачон қари-май абдий ҳузур-ҳаловат бағишлайди.
- Ширин сўз — одобли кишининг энг зарур қуролидир. Ақил сўзлар айтиб дилларни шикасталаш нодонлик белгисидир.
- Одобли инсон дўстлиқни зардек қадрлайди, зеро қил ҳар қанча ингичка бўлса ҳам бир-бирига бирикканда филни ҳам банди қилиб қўяди.
- ХИКОЯТ. Бир қанча фозиллар Афлотунга шундай савол беришди: — Кимларга тезроқ ақл киришини истардинг? — Душманларимга, — дебди у, — ҳаммага маълумки, ақли, одобли одам ёвузликдан қочади. Аҳмоқларни эса беъмани ишдан сира қайтариб бўлмайди.
- Байт: **Ақл улғуликка этади пайванд, Ақлсизнинг доим оёғида банд.**
- Золимда уч аломат бор: қўл остидагиларни ран-житади, уларни ҳурматламайди, ўзгалар ҳақини ноҳақ ейишдан қўрқмайди.
- Ҳасадчида уч аломат бор: сенинг ҳузурингда ҳушомадгўйлик қилади, йўқлигингда гийбатингни қилади, агар бирор кишига мусибат ё бир ғам етса шодланади.
- Бадбахтда уч аломат бор: ҳаром лўқма ейди, уламолар сўхбатидан қочади, ҳушига келганида ибодат қилади.
- Манманлик — қусур, камтарлик — хусн.
- Айт сўзни айт, айтмас сўздан қайт.
- ХИКОЯТ. Искандар Зулқарнайн ўзига яқин киши-лардан бирига кўнглига яшириб юрган бир сирини айтиб, уни сақлашни, ошкор қилмаслиқни қайта-қайта таъкидлаган эди. Лекин у Искандарнинг шарт-тини узоқ сақлай олмай, ичи пишиб бир дўстига айтиди. Дўсти бир кишига, у яна бир кишига айтиди. Шундай қилиб сир ҳаммага ошкор бўлди.
- Сиринг ошкор бўлганидан ортиқ даражада газаб-ланган Искандар устози Арастуга: — Э, ҳақим, кишининг сирини фош қилганга қандай жазо бериш керак? Мен фалон кишига сирим-ни айтган эдим, у киши сирини сақлай олмай ошкор қилган. Мен энди унга жазо бермоқчиман, сиз бунга нима дейсиз? — дейди.
- Арасту ҳақим айтиди: — У кишига жазо беришга ҳақинг йўқ. Ўзинг айбдорсан, сирингни ўзинг сақлай олмай, юрагинг то-шиб кетиб, бировга ошкор қилгансан. Ўзинг сақлай олмаган сирни бошқа киши қандай сақлай олсин, — деди.
- Байт: **Чун ўзинг сирингга махрам бўлмадинг, Ўзгалар гар асрамас йўқ бир ажаб.**
- Дунёда ҳалол одамдан буюроқ зот йўқ.
- Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.
- Ҳалол яшаганини сезиб юрсанг, ҳаёт нашъа-ли ва ширин туюлади.
- Бир умрга бахтли бўлишни истасанг ҳалол одам бўл.
- Ўзини тия билган ҳалол одам олғир, учарлар-нинг бутун найранглари яққол кўриб туради.
- Байт: **Сахий дема саховатиға, Бирор талаб қўйса гар одам, Сахийликмас бу очқўз бахиллик, Бунда йўқдур шараф ва қарам.**

доба ва Минора хоним исмли мусиқашунослар Тош-кентга келиб, Турғун Алиматов ҳаёти, ижоди билан кизиқиб шуғулландилар. Унинг уйда бир неча кун яшаб, суҳбатларини, Сато, Танбур, Дуторда ижро эт-ган куйларини ёзиб, шарҳлаб кетдилар. Шундан кей-ин Турғун Алиматов 1991, 93, 95, 98, 99-йилларда АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британияда ўз санъ-атини намойиш қилди. Турғун ақининг айтишларича, концерт ҳар бирида бир ярим соатдан давом этган. Саҳнада бошловчи ҳам, микрофон ҳам йўқ. Ижро этиладиган — танбур, дутор, сато куйлари ва ноилари дастури тузилиб, тингловчиларга тарқатилган. Созанда кетма-кет шу дастури бўйича қилиб кетаве-ради, нимада нима қилинаётганини ҳамма билади. Айниқса Парижда икки минг ўринли зал қўл бўлгани ва чолғунини — ўзбек куйларини шу қадар диққат ва эътибор билан тингланганлики, бутун кон-церт давомида лашша учса талабдиган химлик ҳукм сурган. Парижда уларнинг талабларига кўра икки марта бориб концерт берилгани, ҳар сафар дастур бўйича концерт тугагандан кейин яна қарасқалар — талаблар билан қўшимча куйлар ижро этилганини Турғун ака завқ билан сўзлаб бердилар.

Германияда эса Шарқ мусиқалари анжумани бўлиб, унда Турғун Алиматов ижодиёти тўғрисида Тьядор маъруза қилади. Эронли ола-сингил мусика-шунослар ҳам бизнинг бу санъаткоримиз ижодиёти тўғрисида гоё катта ҳурмат-иззат билан ўз мулоха-заларини айтганлар, ёзганлар... Айниқса, Парижда-ги ишларни Турғун ака алоҳида завқ билан айтиб бердилар. Самолётдан Парижга тушиб кета-ётганларида кўчаларда Турғун Алиматовнинг расмлари, чолғу-созларига ҳаёти намойиш этил-ган афишаларни кўриб қайра бўлганлар. Бу бир ўзбек санъаткорининг хурмати — ҳам-мамининг фахримиз, гуруримиз эмасми? Мустақиллик бўлмаганда Турғун акадек бир созанда дунёнинг шунча — энг ривожланган мамлакатларига бир эмас, икки мартадан бориб, ўзгилни кўрсата оларми?! Йўқ, албатта!

Ана энди мулохазаларимизнинг нозик нуқта-сига тақалдик — яъни шунча «қиссадан хисса» нима, деган сўроқ қўндаланг келди. Бугун телерадионинг қайси каналини олсан-гиз — Турғун Алиматовнинг бирон сози — ё танбур, ё сато ёки дуторда ижро этган бирор куй эшитилади. Кўпинча бундай ҳолат бирор аниқ мавзуга бағишланган эшитиришларда бўлади. Чунки мавзунинг мазмунини ҳудди ана шу куйларда жонланиб туради. Зеро, ҳар уч соатда ижро этиладиган куйлар, айниқса тан-бур, роҳат, Чоргоҳ, Дугоҳ, Ироқ ёки бошқа бир ўзбек мумтоз куйларининг — меъёрдаги но-зик нукталар, фаҳм-фаросат билан адо эти-ладиган қочиримлар росман ишқивозларни шундай сеҳрлаб қўядики, ўшаларни тингла-ётганда гоҳо қаерда, кимлар билан ўтири-ганини ҳатто қўлингизингиз ҳам унутиб қўйсиз, дунё ташвиш-лари, уй-жой, бола-чақа билан чулғиб кет-ган бутун борлигини бир муддат унутиб, яшашга, фақат яшашга, барча ташвишлари-у баланд-пастликларини билан, барибир ҳаёт яхши, яшаш яхши деган мақсадга айланиб келаверасиз.

Бу уш Турғун ака ижро этган бебаҳо, бе-назир ўзбек куйларининг кўзга кўринмайди-ган, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган, фақат ҳис этиш билангина англаб етадиган жо-зибали сеҳрларидан келиб чиқса керак-да!.. Энг яхши созанда, ашулани — жуда яхши тингловчининг ҳам талаб қилади. Ана шу ерда айрим тапир-тупирдан иборат чолғунча ва ай-тувчилар ҳақида дерли ҳар қуни аҳборот во-ситаларида танқидий фикрлар айтиб келина-ётгани маълум.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: айрим ёш эстрадачилар ўзбек мумтоз куй ва ашула-ларини айтишолмайди. Аммо энгил-елги ашу-ларни ўнлаб айтишаверади. Агар шу ашу-ларда миллий рух, замин бўлса, сўзлари — шерь деган юксак бир фазилатга лоақал яқинроқ келса қани эди! Афсуски, заминдан узулиб қолган куй ва ашулар кўпинча шовкин-суронга берилиб, туй-ҳашамларда, фақат маст-аласт бўлиб, ким нима деяётганини ашула сўзи, куйнинг аҳамияти йўқли-гидан фойдаланиб айтилади. Аммо бу билан айрим ёшларимизнинг гўзал санъатимизга бўлган муноса-батларини, ҳис-туйғуларини, дидларини бузиб қўйиш хавфи йўқмикан?!

Такрор бўлса ҳам айтаёмиз: бундан уч йиллар ил-гари Японияда миллий куй ва қўшиқлар ўрнига Гар-бдан қўллаб кириб келаятган эстрада куйлари таъ-сири орттириб юборилганда, бунинг сабабларидан жарима солиш ва ундирилган маблағни миллий санъ-атни ривожлантиришга сарфлаш ҳақида ҳукумат қарори қабул қилинган аҳборот воситаларида эълон қилинди. Демак, санъат соҳасида ўзлики сақлаш ва ёқлаш ҳам Мустақил миллий маънавиятимизни ри-вожлантириш, уни ҳар қандай салбий таъсирлардан асраш — шу заминда гоёт долзарб масала бўлиб қола-веради. Модомки, эстрадаимизнинг миллий замин-да ривожланишига илк ҳисса қўшган Муҳиддин Қо-риёқубов, Бобораҳим Мирзаев, Тавароҳоним, Хали-ма Носировлар аввало ўзбек мумтоз санъатимиз ха-зиналарини эгаллаган эканлар, мумтоз санъатимиз билан эстрадачилар ўртасида девор йўқ. Фақат улар-нинг заминидаги умумийликдан узилмасқа бўлгани.

Аҳир мусика, ашула санъатининг инсоният маъна-виятида тутган бекиёс ўрни, аҳамиятини жаҳонга машҳур аждодларимиз Форобий, Дарвеш Али Чан-гий, Алишер Навоий сингари боболаримиз кўп аср-лар муқаддам қанчалик теран англаб етганлари та-рихларимиздан маълум-ку! Бу ҳақда қўллаб айтиш мумкин ва лозим бўлса-да, бу йил таваллудларининг 560 йиллиги нишонланган Алишер Навоий ҳазратла-рининг бу санъат бобиданги фикрларидан айримла-рини келтириш ва улардан энг тўғри хулосалар чи-қаришни мақсад қилиб, ишимизни яқунлаймиз. Мана бу сатрларга эътибор қилайлик, ўйлайлик: **«Шодлик-ни оширувчи хонанда, ғамни кетказувчи созанда — буларнинг ҳар иккисига ҳол ва дард аҳли жон фидо қилурлар.»**

«У соза чалиб ёқимли ашула қилганда, эшитувчи-нинг ҳаёти нақди унга фидо бўлса, не ғам. Кўнгул қуввати яхши чолғувчидан, руҳ озуги хуш овоздан-дир.»

«Ҳар бир созанданинг сози дардироқ бўлар-кан, унинг чертиши ярали юракка таъсирлироқ тегадур...»

Буюк бобомизнинг мусика ва ашула санъатимиз ривожига, таъсири, тарбиявий аҳамияти, жозибаси ҳақидаги ўта чуқур фалсафий мулохазаларини ўқиганда Истиклолимиз даври мусика ва ашула санъати тақдирини ўйламаймизми?! «Дардлик» — «Чертиш» сингари ибораларида санъаткор билан унинг тингловчиси орасидаги гоёт теран ва самий-ий муносабатлар баён қилишнинг идрок этмай-мизми?!

Ахмад АЛИЕВ

сиб ворислари бўлаётган Ҳасан Ражабий, Муножот Йўлчиева, Марям Сатторова, Насиба Сатторова, Гул-бахор Эрқулова сингариларнинг ҳалқимиз иззат-хур-матига сазовор бўлаётганларига ҳаммамиз гувоҳимиз-ку! Бунинг асли сабабига келганда — уларнинг ашу-лалари, ижро маҳоратлари, меъёрли қочиримлари-даги нозик жозибалари — кўнгулларга ором бери-шида, миллий руҳнинг аниқ фазилатлари муҳасса-мида деб изоҳласанг, хато бўлмас керак. Мана шу номлари тилга олинган ва талай олинмаган — ўша-лар изидан бораётган ашулачилар орасида — бирорта пала-партиш — саёз, сийка сўзлар билан айтилган қўшиқни учратмаймиз...

Мумтоз куй ва ашулалар билан бирга энг яхши эстрадалар орасида жуда яқини уйғунлашиб бора-ётган санъаткоримиз борлиги билан қўномимиз. Лекин миллий руҳдан ажраб, араб, эрон, турк, ҳинд ва яна бошқа куй ва қўшиқларга эргашиб кетаётган ва шу билан бирон ҳалқ ёки миллатга мансублиги номмаълум «эстрадалар»лардан кўнгулимиз тўлмай-тир. Яна баъзиларда эса ўта овропочалашиб кетган, бирон шарқона руҳ сезилмаётган ҳолатларга дуч кела-ётимиз. Бундай ҳолатларга бефарқ қараб бўларми-ди?

Агар эътибор қилсангиз, миллий мумтоз ашула-лар билан эстрадаларининг санъатини энг яқини уйғун-лаштириб ижро этаётганлардан — Фуломжон Ёқубов, Гулбахор Эрқулова ва уларга ҳамфирқлар — ҳамкас-блардан кўплаб келтириш мумкин. Бу жиҳатдан «Ялла» ансамбли фаолиятини ҳам ибратли деса бўлади.

**САНЪАТИМИЗ ДАРФАЛАРИ**

**Бебаҳо куйларимизнинг беназир ижрочиси**

**Ёқимли машшоқ, агар фаҳм-фаросатли бўлса, одам кўнгул тошдан бўлса ҳам унга берилади... Кўнгул мулкига қандай қўзғалонлар солади...**

Алишер Навоий

**Турғун Алиматов Нью-Йоркда берилган концер-дан чиқиб кетаётганда, кузатиб келаётганлар ора-сида икки ёш йигит яқин келиб, ўзaro инглизча га-плашиб — Турғун ака ва Сатога имо қилиб, нима-лардир дейишди. Таржимонга айтишди. Таржимон уларнинг илтимосини таъкидлаб, шу чолғуларини (Сато — танбурни) бизга сотсалар — олиб қолар-дик, кўрардик, балки чалишни ўрганишга ҳара-кат қилардик, дейишди. Шунда Турғун ака «Бу пулга сотилмайди. Менга Уста Усмон ўзи ижод қилиб ҳада этган. Бу Сатони уста 1936 йилда ишлаган. Мен уни биринчи бўлиб қалганман. Бу соз менга қанча ҳурмат-иззат келтирди. Элга та-нитди. Мана хорижга ҳам олиб чиқди», деб жа-воб қайтаради. Шу гаплардан кейин «Минг дол-лар берамиз», дейишди ёшлар. Турғун ака: «Бу-нинг баҳоси йўқ. Бу соз ҳеч қачон, ҳеч нарсага али-шилмайди...» деб рад жавобини берган. Бу асли-да ўз мавқеи, инсоний фазилатлари ва санъатиға фидойиликнинг бир нуктаси эди...**



фаоллари бу ҳақда доим фикрларини айтиб келиш-моқда. Бундай мулоқотлар «Фонотекамиз хазинаси-дан» ёки «Радио хазинаси»да туркумларда энг қад-рдон куй, ашулалар ва уларнинг ижрочилари ҳақида-ги эшиттиришлардир. Яна, гоҳо машҳур санъаткор-лар, гоҳо ёшлар иштирокидаги суҳбатларда талай фикр-мулохазалар кўтарилди. Маданий ҳаёт ва маъ-навиятимизда буларнинг ўрни жуда муҳимлиги маъ-лум. Зеро, ёшларда ўз аждодларига муносиб ворис-лар бўлиб етишиш руҳини шакллантириш муаммоси бугунги таълим-тарбияда нақадар муҳим аҳамият касб этишини ким инкор этади?! Хеч ким. Аммо, минг аф-суски, ҳаётида гоҳо, баъзи ёш ашулачилар, созанда, бастакорлар орасида асрлар оша шаклланиб, сайқ-алланиб, миллий маънавиятимизни, миллий ҳисси-ётларимизни тан олмай, писанд қилмай, аллақандай энгил-елги йўл тутаётган, санъат деган сеҳрни, ўта жозибали йўлдан адашаётганлар ҳам учраб турибди. Бу ҳолни дерли барча аҳборот воситаларида, ай-ниқса радиодаги суҳбатларда айтиб ўтиляётганини кузатувчилар яхши билишди.

Уйлаб кўрайлик — биргина созанда чалинган куй, бир озгина айтилган ашула ёки ижро этилган рақсдан унинг қайси миллатга мансублиги билинадими, йўқми? Билинади — фақат шуларнинг ҳаммасида аниқ бир миллий рух, миллий ҳис-туйғу, миллий аниқ бел-гилар — фазилатлар мавжуд бўлиши шарт!.. Бизнинг-ча, қадим-қадимлардан сайқалланиб, бизгача етиб келган санъатларимизда шу таъкидланган ҳусусият-лар мукамал ифодаланган учун улар ўлмайди, қал-бларимизга худди нур сочаётгандек кўтаринки бир завқ-шавқ бағишлайверади, уларни эшитган саринг — эшитинг, кўрган сари — кўринг келаверади.

Биз мусика ва ашула санъатимиз тарихидаги ва бугунги атоқли намояндалар ҳақида мулохазалар юритганимизда, кўнгулимиздан ана шундай мураққаб, нозик ҳис-туйғулар, баъзан сўз билан ифодалаш қийин бўлган мулохазалар ўтиб туради...

Яна савол, савол тўғилаверади: мавзумимиз-ку, Турғун Алиматов ҳақида биргина мақола ёзиш. Лекин юқоридаги изоҳлар, тилга олинган масалаларга бу ерда қандай ҳожат бор экан? Агар таъбир жоиз бўлса, шу қадар ҳожат борки, уларни айтиб адо этиш қийин. Негаки, бугунги ёшларимиз тарбияси маса-лалари, унга бағишлаб ўстирилган катта анжуманда Юртбошимиз талай вазифаларни қўйганларида — мусика санъати, ашула, бастакорлик, ижрочилиқнинг маънавий тарбиясида нақадар мавқеи борлигини ҳаммамиз ҳам етарлича идрок этаёемизми? Мил-лий руҳ, Ватан фидойилари, аждодлардан қолган маъ-навий меросга ҳурмат, буюқларимизга муносиб вор-ислар бўлиб етишишга интилишимиз бирорта ҳам жонзот бўлмаслиги лозим эмасми? Бу фақат бир гуруҳ мутахассислар, санъаткорлар ёки муайян та-бақалар иши эмас, барчамизнинг ишимизки, ундан ҳеч бир онгли шахс четда туриши мумкин эмас!

Айланиб келиб, яна Юнус Ражабий, Тўхтасин Жа-лилов, Фанижон Тошматов, Жўраҳон Султонов, Маъ-муржон Узоқов, Саодат Қобулова сингари санъати-миз фидойилари изларидан бориб, уларнинг муно-

# Наврўз нашидаси

## Сўлим боғ бағрида

Пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам ўзининг бекиёс фойзу таровати, кўрку салобати билан ажралиб турувчи Наврўз айёми шодибоналари кизгин давом этмоқда.

Шуни айтиш керакки, боғ маъмурияти бу йилги Наврўз айёмига, баҳор фаслига пухта тараддуд билан келди. Бу ерда кенг қўламда ободонлаштириш ва кўкчамзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Пойтахтликларнинг сеvimли даргоҳи бўлган ушбу боғда ташриф буюрувчилар учун барча қўлайликлар бекум кўст қилиб яратилди.

— Бизнинг боғимизга ташриф буюрадиганлар орасида айниқса муҳтарам оналаримиз ва жажжи фарзандларимиз кўпчилиги ташкил этади, — дейди боғ директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Бахдор Султонов. — 2001 йилнинг Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши муносабати билан биз боғимизда ҳамма учун, айниқса оналар ва болалар учун барча қўлайликларни муҳайё этишга бел боғлаганимиз. Утган ҳафтада ўтказилган Наврўз шодибоналари кўнларига боғимизга келганларнинг кўпчилиги азиз оналаримиз ва суюкли фарзандларимиз бўлишди. Улар учун бу ерда турли хил аттракционлар, аримеоклар ва бошқа кўнгилочар жойларни ҳозирлаб қўйдик. Бинобарин, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига ҳаммашида сизидилдан хизмат қилиб келаётган боғимиз жа-



моаси янги асринг, янги минг йилликнинг биринчи йилида ҳам бор имкониятларни ишга солиб улар хизматига бўлишни ўзлари учун шараф деб билади.

Дарҳақиқат шундай. Бу сўлим гўшада бу ерга ташриф буюрувчилар учун барча шарт-шароитлар, қўлайликлар яратилган. Шу кўнларда боғда ташриф буюрган киши юқорида айтиб ўтилган фикрларнинг нақадар тўғри эканигига тўла ишонч ҳосил қилади. Боғ жамоаси эл хизматига бўлишни ўзи учун бахт ва шараф деб билган экан бу ишда уларга ҳаммашида омад ёр бўлаверсин.

...Мана, одатдаги иш кўни, навбатдаги иш ҳафтаси ҳам тугади. Шаҳримиздаги энг сўлим ва одамлар билан жуда ҳам гавжум бўладиган Мирзо Улуғбек боғига оналаримиз, нуруний отахонларимиз, жажжи фарзандларимиз ўзгача кайфият, ўзгача кўвонч билан қадам ранжида қилишмоқда. Бу уларнинг бу ерда мароқли хордик чикаришлари учун барча шароитлар яратилганини ана бир бор эътироф этишларидир.

**Хондамир СОЛИХОВ**  
**СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Наврўз ва баҳор айёмига бағишлаб ўтказилган сайиллардан лавҳалар.**  
 Муаллиф олган суратлар.



## Маҳалладошлар қувончи

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темури номи билан аталувчи маҳаллада турли миллат кишилари ахил-пайванд бўлиб, иннокликда яшмоқда. Бу галги Наврўз айёми маҳаллада ўзгача тараддуд ва завқ-шавқ билан кўтиб олинди.

Шуни айтиш керакки, ободонлаштириш ва кўкчамзорлаштириш ишлари га бу йилда айниқса катта аҳамият қара- тинди. Маҳаллага туташ кўчаларда, ма- халланинг ўз ҳудудида кенг қўламдаги ораситалик ишлари бажарилди. Маҳал- ла оқсоқоли Абдуллажон Ортиқбоевнинг тиниб-тинчимаслиги, елиб-югури-

ли шарафати билан бу ерга қўллаб арча қўчалари келтирилиб, улар меҳр билан ўтказилди. Бу қўчалар ҳозирнинг ўздаёқ маҳаллага ўзгача чирой ва фойза бағиш- ламоқда. Кўни кеча бу ерга Наврўз бай- рамини нишонлаш учун келган қўшни ма- халлаларнинг оқсоқоллари ва бошқа меҳ- монлар Амир Темури маҳалласида Наврўз ва баҳор байрами шарафига амалга оши- рилган ишларга чин дилдан қўйиб қолди- лар. Кейин эса улар тўқин дастурхон ат- рофида тақлиф этилдилар.

Ҳа, маҳаллада Наврўз байрами жуда ҳам фойзли ўтди. Бу ерга келган Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Зафар Файзуллаев, маҳал-

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

### Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва саноат корхоналари раҳбарларига!

Тошкент шаҳар ҳудудини санитар тозалаш бошқармаси шуни маълум қилади, 2001 йилнинг 1 мартидан эътиборан ташкилот ва корхоналардан маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун янги нархлар киритилди, шу жумладан:

1. Ҳар сутка тариф ҳисоби шаҳар бўйича 1 тонна чиқиндини йиғиш ва олиб кетиш та- лабгорлардан қўшимча қиймат солиғисиз 3782.02 сўмини ташкил этади.
2. Туман санитар-тозалаш дирекциялари- нинг ҳисоб тарифи туманининг чиқинди таш- лайдиган жойдан яқин-узқоқлигига қараб кам ёки кўп бўлиши мумкин.

### Дирекцияларнинг манзили ва телефон рақамлари:

● А. Икромов тумани	Фарҳод кўчаси, 21-уй	74-03-38
● Бектемир тумани	Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 51-уй	
● М. Улуғбек тумани	Қурбонов кўчаси, 102-уй	65-42-56
● Миробод тумани	Нукус кўчаси, 18-уй	133-76-60
● С. Раҳимов тумани	Корасарой кўчаси, 270-уй	48-51-47
● Сирғали тумани	Спутник, 16-мавзе	58-68-65
● Ҳамза тумани	Фаргона йўли кўчаси, 21-уй	191-36-31
● Чилонзор тумани	Чилонзор кўчаси, 27-уй	77-50-64
● Шайхонтоҳур тумани	О. Шарафиддинов 1-тор кўчаси, 10-уй	42-24-70
● Юнусобод тумани	Мавлонов кўчаси, 52-13-уй	34-07-92
● Яққасарой тумани	Самарқанд кўчаси, 7-уй	56-47-86

### Корхона, ташкилотлар раҳбарлари ва жисмоний шахслар эътиборига!

Тошкент шаҳар ҳудудини санитар тозалаш бо- шқармаси томонидан қурилиш, таъмирлаш ва тозалаш ишлари олиб бораётган ташкилотлар ва жисмоний шахсларга катта ўлчамли қурилиш ва бошқа турдаги чиқиндилар учун 20 кубометр ҳажмдаги чиқинди тўплаш қутиларини сақлаш мажбурияти асосида берилади. Керак бўлган ҳолда алоҳида буюртмалар ҳам қабул қилинади.

Шу билан бирга, 1100 литр ҳажмдаги пласт- масса ва 750 литр ҳажмдаги темир, маиший ва бошқа чиқиндилар учун мўлжалланган чиқинди йиғиш қутиларини сотади ёки сақлаш мажбу- рияти асосида берилади.

Олиб чиқиб кетиш хизматлари белгиланган тариф асосида амалга оширилади.

### Барча саволлар бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз:

● А. Икромов тумани	Фарҳод кўчаси, 21-уй	74-03-38
● Бектемир тумани	Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 51-уй	
● М. Улуғбек тумани	Қурбонов кўчаси, 102-уй	65-42-56
● Миробод тумани	Нукус кўчаси, 18-уй	133-76-60
● С. Раҳимов тумани	Корасарой кўчаси, 270-уй	48-51-47
● Сирғали тумани	Спутник, 16-мавзе	58-68-65
● Ҳамза тумани	Фаргона йўли кўчаси, 21-уй	191-36-31
● Чилонзор тумани	Чилонзор кўчаси, 27-уй	77-50-64
● Шайхонтоҳур тумани	О. Шарафиддинов 1-тор кўчаси, 10-уй	42-24-70
● Юнусобод тумани	Мавлонов кўчаси, 52-13-уй	34-07-92
● Яққасарой тумани	Самарқанд кўчаси, 7-уй	56-47-86

### «Ҳамкорбанк» акционерлик-тижорат банкнинг

Тошкент филиали яқин ва узқоқ хориз мамлакатларига чиқаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — хусусий шахсларга нақд валютани олиб чиқиш учун рухсатномалар бериш бўйича ўз хизматларини тақлиф этади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 14.

Телефонлар: 45-62-33, 45-53-10.

### «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз

мижозларига шуни билдирадики, об-хавонинг юқори хароратда барқарор туриши ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ 2001 йил 26 мартдан иситиш мавсуми яқунланади. Иссиқлик тармоқлари профилактик синовларини ўтказиш муносабати билан шаҳарнинг айрим ҳудудларида иссиқлик таъминоти 2001 йилнинг 29 мартига қадар сақланиб туради.

Тошкент Давлат тиббиёт институти томонидан 1992 йилда Раҳманова Хулқар Муртазоевна номига берилган ФВ № 951990 рақамли диплом йўқолган- лиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09.

**Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.** Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

## ФАҲРИЙЛАР — ФАҲРИМИЗ

Кўни кеча кадрдон ишхона — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига бор- дим. Ҳамкасбларим билан учрашиб дилдан сўхбатлашдим. Улар орасида Ёқуб акани кўриб ниҳоятда қувондим. Негаки, етмиш баҳорни кўтиб олаётган дўстим ёшларга хос чакқонлик, дадиллик билан ўрнидан туриб саломлашди. У мам- лакатимиз оммавий ахборот воситаларига компьютерлар тизими орқали юбо- рилаётган навбатдаги мақолаларни ўқийётган эди...

## Қаламни ардоқлаб

манларида нашр этилаётган газета тахрири- ятларига ранг-баранг материалларни етқа- зиб беришга ихтисослашган эди. Айни чоғда Ёқуб ака таникли таржимонларнинг кўмаги- да таржима санъатини ҳам эгаллаб олди.

Истиқлолимиздан сўнг диёримизда олиб борилган туб ислохотлар жараёнида ЎзТАГ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мақомини олди. Унинг ижодкорлари зимма- за маъсулятияти вазифалар юкланди. Ўзбеки- стон Республикаси раҳбарияти ва ҳукума- тининг ички ҳамда ташқи сийосатининг моҳи- ятини халқимизга етказиш, мустақил мамла- катимиз ҳаётига оид ҳар бир кўннинг энг му- хим воқеалари силсиласини жамлаб ёзиш ҳамда хорижий мамлакатлар билан юз бера- ётган воқеа-ҳодисаларни қисқа хабарларда ифодалаш, уларни оммавий ахборот восита- лари тахририятларига тарқатиш ЎЗА ижодий жамоасининг зиммасида.

Барча қатори Ёқуб ака ҳам катта қарвон- нинг оғирини энгил этишга муносиб ҳисса қўшаётди. Президентимиз фармонларини, ҳукумат қарорларини газеталар орқали хал- ққа етказиш каби олижаноб ишга бош-қош бўлмоқда. ЎЗА вилоят муҳбирлари эса ўзла- ри юборган хабарлар Ёқуб Иброҳимов тах- рирдан сўнг фикрлар янада тушунарли, сод- дарок ва айни пайтда сержило бўлишни тан олади.

«Ёқуб Иброҳимов, ЎЗА шарҳловчиси». — Ана шу имзо қўйилган мақолалари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Ишонч», «Туркстон» ҳамда вилоятларнинг қатор газеталари са- хифаларида тез-тез учраб келиши. У маънавий ва маърифатни инсон дили ва йўлининг зиё- си деб тушунади, шу ҳақда тўққинлиги ёза- ди. Газетонлар Ёқуб ака қаламига мансуб миллатимизнинг аҳойиб инсонлари фаоли- яти, маънавиятимизни бойитишга нодир ки- тобларнинг моҳиятига бағишланган қатор сер- жило, ихчам ва мазмунли мақолалари мар- роқ билан ўқиб келишди. Унинг «Абдиқадир буржининг зиёси», «Алломиш» юрта қайтди», «Бори элга яхшилик қилгил...» каби қатор лавҳалари ўқувчиларнинг эътиборига тушди.

«Халол меҳнат — омул келтирар» дейди хал- қимиз. Ёқуб Иброҳимовнинг матбуотимизни юксалтиришга қўшаётган ҳиссаси муносиб тақдирланган. Унга «Ўзбекистон Республика- сида хизмат кўрсатган маданият ходими» фах- рий унвони берилган.

Матбуотимиз фидойиси Ёқуб Иброҳимов нуруний ёшида ҳам фаоллик билан қалам теб- ратаётган экан, биз унга мудом сийҳат-сало- матлик, бардамлик тилаймиз. Сизга ҳаммашида омад ёр бўлсин, деймиз.

**ҲАЙИД ИБРОҲИМОВ,** Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

### Оқсил касаллигининг эҳтиёт бўлини

Айни кўнларда шаҳри- мизда оқсил (яшур) ка- саллиги ҳақида кўп гапир- илмоқда. Бу ўта хавfli оқсил касаллигининг шаҳримиз ҳудудида чет- дан кириб келиб тарқали- шининг олдини олиш бўйича зарур чора-тад- бирлар кўриломоқда.

Оқсил касаллигининг кели- б кичики, унинг олдини олиш чоралари тўғрисида Тошкент шаҳар Давлат сани- тария-эпидемиология назор- ати марказининг шифокор- эпидемиолог Машкура Алимова кўйидагиларни гапириб берди.

— Оқсил —ўткир юқумли касаллик бўлиб, йирик ва майда шохли ҳайвонлар орасида тарқалиб, одамлар- га ҳам юқиши мумкин. Оқсил касаллигининг қўзғатувчиси вирусурас бўлиб, ҳозирги пайтда уларнинг бир неча тури маълум. Бир тури билан касалланган одам ёки ҳайвон, бир вақтда унинг бо- шақа тури билан ҳам касал- ланиши мумкин. Ушбу касал- ликни чақирувчи вирус ай- ниқса, соғуққа чидамли бўлиб, у ҳайвон гўнгида, қас- ал ҳайвонлардан олинган махсулотларда узоқ сақлана- ди.

Касал ҳайвон касаллик манбаи ҳисобланади. Кемир- увчи ҳайвонлар (сиқон, қаламуш) касал бўлмаса ҳам ўз таналарида касаллик ви- русини ташиб юрадилар. Касал ҳайвонларни боқувчи кишилар шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмасан- лар, ўзлари ҳам касаллиқни юктиришлари мумкин. Ҳай- вонларда касаллик вирусини уларда касаллик белгилари пайдо бўлмасдан олдин атро- ф-муҳитга сути, сўлаги, пешоб орқали чиқара бош- лайдилар. Касаллик даври 10-12 кун, баъзида узок вақт вирус ташувчи ҳисоблана- дилар. Касаллик вирусни ки- шилар ва ҳайвонлар оғиз бўшлиғи, бурун, томоқ, қизил ўнғач, ичак, кўз шиллиқ қаватлари ва шиланга тери орқали организмга кирдири. Одамлар касал ҳайвонларни боққанда, уларнинг сутини, гўштини яхшилаб қайнат- масдан ёки пиширмадан истеъмол қилганларида ўзларига касаллик вируслари юктирадилар.

Касаллик одамларда ўткир, энгил (касаллик бел- гиларисиз), сурункали шақ- лада ўтиши мумкин. Касаллик вирусни юққандан сўнг 2-10 кун ўтган беморнинг харора- ти кўтарилади, эти увишиб, боши оғрийди, бели ва му- шақларида оғриқ пайдо бўлади. Касалликнинг бош- ланишида оғиз шиллиқ қава- ти ачишиб, чайнашда оғриқ сезади, 2-3 кундан сўнг оғиз шиллиқ қавадида пуфакчалар пайдо бўлади, улар ёрилган, ўрнида ярачалар ҳосил бўлиб, тез-тез сўлак оқа бошлайди, яралар бурун шиллиқ қавадида, оғиз атро- фида ҳам бўлиши мумкин. Касалликнинг учинчи кўни харорат пасая бошлайди. Бемор ўз вақтида даволанса 10-15 кундан сўнг соғаяди. Лекин вақтида даволанмаси юрак миокарди каби асоратни юзага келтириши мумкин.

Оқсил касаллиги қайд қилинган кишлоқ хўжалик фермаларида ишловчилар, шахсий хўжалигда мол бо- қувчилар иш жараёнида ало- ҳида кийим кийишлари ва имкон қадар устки кийимла- рини тез-тез алмаштириб туришлари керак. Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишлари, пиширилган хом сут ичмасликлари лозим.

**ДИПЛОМ ИКРОМОВА**

Тошкент шаҳар Ички иш- лар бош бошқармаси раҳба- рияти ва шахсий таркиби Миробод тумани ИИБ бош- лиғи милиция подполковни- ги Фарҳод Қамбарович Мирзаевага акиси

**РУСТАМ МИРЗАЕВИНГ** вафоти муносабати билан «чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар, Юнусо- бод тумани «Бободеҳқон» жамоаси қорхона қошидаги «Ал-Рустамхўжа» савдо тай- ёрлов фирмасининг дирек- тори

**Аброр Раҳматович ДАДЕВИНГ** бевақт вафот этганилиги му- носабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия бил- диради.

### «Тошкент Универмаги» ОАСИЧЖнинг 2001 йил 1 январига бўлган баланс ва молиявий ҳисоботи

#### 2001 йилнинг 1 январига бўлган баланс (минг.сўм)

Актив	92508
1. Асосий маблағларнинг қолдиқ қиймати	10994
2. Номоддий активнинг қолдиқ қиймати	2303
3. Узқоқ муддатли сарможалар	33283
4. Ишлаб чиқариш заҳиралари	350240
5. Қайта сотиладиган товарлар	73289
6. Пул маблағлари	3428
7. Бошқа активлар	566041
<b>ЖАМИ:</b>	
1. Низом фонди	55280
2. Қўшилган капитал	13539
3. Резерв капитали	8292
4. Таксимланмаган фойда	65420
5. Мақсадли тушум ва фондлар	130342
6. Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	—
7. Бошқа пассивлар	293168
<b>ЖАМИ:</b>	566041

#### 2001 йилнинг 1 январига бўлган молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (минг сўм)

1. Сотилган товарлар ва кўрсатилган хизмат бўйича тушум	3986992
2. ҚҚС (қўшилган қиймат солиғи)	1542
3. Сотилган олинган соф тушум	3985450
4. Ишлаб чиқариш таннархи	2388576
5. Ялпи даромад	989394
6. Шу даврдаги харажат	604046
7. <b>Жами сарф-харажат:</b>	604046
8. Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси	385348
9. Фойда (даромад) солиғи	319907
10. Бошқа солиқлар	21
11. Ҳисобот давридаги соф фойда	65420

Молиявий натижаларнинг тўғрилиги «Finaudit-servis» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.  
 (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 12 майдаги 335-сонли рухсатномаси).

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кўтловларини, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва ақшанбадан ташқари ҳар кўни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

**МАНЗИЛИМИЗ:** МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-КАВАТ, 204-ХОНА.

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбос** акциядорлик компанияси босмахонаси.

**Корхона манзили:** «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.